

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ДАВЛАТ ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ҚЎМИТАСИ ТИЗИМИДА ГЕОЛОГИЯ ФАНЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА



геология соҳасида таълим, илм-фан ва амалиётнинг узвий интеграциялашуви учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, фундамен-тал, амалий ва инновацион лойиҳаларга иқтидорли талабаларни кенг жалб қилиш, уларни самарали рағбатлантириш механизмларини жорий этиш; фойдалани қазилмаларнинг янги турларини аниқлаш, уларни геологик ўрганиш ва sanoatда ўзлаштиришнинг замонавий усуллари, инновацион ва рақамли технологияларни жорий этишга йўналтирилган илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш;

ер ҳақидаги фанлар соҳасидаги илмий ишлан-маларни тижоратлаштиришнинг аниқ мезонлари ва самарали механизмларини ишлаб чиқиш, уларнинг натижаларини геология соҳаси амалиётига кенг жорий қилиш;

хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари, бизнес-ҳам-жамиятлари ва халқаро геологик жамиятлар билан узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мустақамлаш;

геология соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, жаҳон геология фани ҳамда амалиёти эришган ютуқлар ва янгиликларни чўқур ўргатиш асосида уларга етказиш, шунингдек, ўқув дастурларини такомиллаштириб бориш;

фойдалани қазилмалар намуналари коллекцияларини йиғиш, сақлаш ва тўлдириб бориш, ноёб ва илмий-матрифий аҳамиятга молик бошқа экспонатларни яратиш, шунингдек, ер ости бойликлари ва геологик хилма-хиллик тўғрисидаги маълумотларни жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиш.

3. Давлат геология кўмитаси:
бир ой мuddатда Университет устави-нинг ишлаб чиқиши, тасдиқлаши ва давлат рўйхати-дан ўтказилиши;

икки ой мuddатда олий таълим ва ил-мий-тадқиқот муассасалари учун белгиланган меъёrlар ва илгор халқаро тажрибани ўзида му-жассамлаштирган Университетнинг ташкилий ту-зилмасининг ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 сентябрга қадар Университет профессор-ўқитув-чиларининг таркибини юқори малакали кадрлар билан, шу жумладан, илмий-тадқиқот институтла-ри илмий ходимлари ҳисобидан тўлдирилишини таъминласин.

4. Белгилаб қўйилсинки:
Университет Давлат геология кўмитаси, тоғ-кон sanoати корхоналари ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун геология йўналишидаги малака-ли кадрлар тайёрлаш ҳамда илмий-тадқиқот ишларини бажариш бўйича республиканинг иқти-сослашган олий таълим ва илмий-тадқиқот муас-сасаси ҳисобланади;

Х.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти, Минерал ресурслар институти, Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти, Нефть-газ конлари геологияси ва қидируви институти, Геология соҳаси кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ҳамда Давлат геология музейи Университет таркибига кирасин;

Университетга талабалар Давлат геология кўмитаси буюртмаларига асосан шакллантирилади;

Университетда талабалар Ўзбекистон Республикасининг давлат таълим стандартлари асосида геология ва коччилик йўналишидаги етакчи хорижий олий таълим муассасалари, шу жумладан, Санкт-Петербург коччилик университетининг (Россия Федерацияси) қўшма таълим дастурлари бўйича, улар билан эришиладиган келишувларга мувофиқ ўқитилади;

Университет тегишлилик Давлат геология кўмитаси тизимидаги ташкилотлар ва "Ўзбектелеком" АЖнинг Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Олимлар кўчаси 43, 45, 49, 64-уй манзилларидаги, Университет автогаражига эса Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, М.Ашрафий кўчаси 70-уй манзилидаги мавжуд ва янгидан қуриладиган бино ва иншоотларида жойлаштирилади ва улар оператив бошқарув ҳуқуқи асосида Университетга берилади;

Бунда, "Ўзбектелеком" АЖ устив капиталдаги давлат улуши Университетга берилаётган объектнинг баланси (қолдиқ) қийматига қайайтирилади.

5. Университет фаолияти кўйдаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилади:

талабаларни давлат грантлари асосида ўқитиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг Давлат геология кўмитасига ажратиладиган маблағлари;

Университет томонидан Давлат геология кўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланадиган тўлов-контракт асосида талабаларни ўқитишдан тушадиган маблағлар;

ҳар йилги минерал хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастурларида назарда тутилган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танлов натижалари бўйича ажратиладиган грантлар; республика ва халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

Университет томонидан шартнома асосида

хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар; жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар.

Университетга академик эркинлик ҳамда ўзини ўзи молиялаштириш ва молиявий барқарорликни таъминлаш тамойиллари асосида ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

6. Геология фанлари университетининг **Геоинновацион технологиялар маркази** (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Марказда:
ер қаърини геологик ўрганиш, оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида **тадқиқотлар ва ишланмаларни янада ривожлантириш учун илгор илмий-техник база яратилади ва самарали фаолият юритилади;**

минерал хомашёни ўрганишнинг энг янги усуллари ва технологияларини эгаллаган **малакали кадрларнинг янги авлоди тарбияланади;**

пировард натижада, ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантириш ва моддий қийматларни қайта тўлдиршига йўналтирилган **ихтирочилик гоғлари ва лойиҳалари шаклланиши учун ноёб тадқиқот майдончаси, изланувчанлик ва ихтирочилик муҳити яратилади;**

глобал инновацион тизимга интеграция қилиш, замонавий рақобатбардош усуллар ва технологик ечимлар яратиш учун **инвестициялар ва илгор технологияларни жалб этишга, шунингдек, илмий-техник ва инновацион дастурларда, халқаро конкурслар ва грантларда фаол қатнашишга имкониятлар яратилади.**

Марказни жиҳозлаш учун замонавий лаборатория-технологик ускуналар ва инвентарлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат геология кўмитаси, "Навоий КМК" АЖ ва "Олмалик КМК" АЖнинг Марказни замонавий лаборатория-технологик ускуналар ва инвентарлар билан жиҳозлаш "Навоий КМК" АЖ ва "Олмалик КМК" АЖ томонидан тенг улушларда ажратадиган ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

"Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳузуридаги Аккредитация маркази" давлат унитар корхонаси белгиланган тартибда Марказ лабораторияларининг аккредитациядан ўтказилишини таъминласин ва кейинчалик Марказнинг халқаро тан олинган аккредитация органларидан аккредитациядан ўтишига қўмақласин.

7. 2022 йил 1 январга қадар Университет фаолиятини таъминлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатга мувофиқ импорт қилинадиган китоблар, журналлар, ўқув адабиётлари, дастурий таъминотлар, замонавий ахборот-коммуникация воситалари, ўқув ва илмий лабораториялар ҳамда сарфланадиган лаборатория материаллари (реактивлар, кимёвий идиш, бутловчи, биологик материаллар ва бошқа объектлар), шунингдек, 2-иловага мувофиқ Марказ учун "Геотекстайминот" давлат корхонаси томонидан импорт қилинадиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар ва инвентарлар божхона божидан озод қилинсин.

8. Давлат илмий техника дастурлари доирасида "Рақамли геология" ва "Тоғ жинслари ва минералларнинг миллий электрон базаси" лойиҳалари амалга оширилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Давлат геология кўмитаси 2021 йил 1 мартга қадар:

фойдалани қазилмалар ягона электрон платформасини ишлаб чиқсин;

Университетда рақамли азро-космик суратлардан фойдаланган ҳолда фойдалани қазилма конларини масофавий зондаш бўйича кадрлар малакасини ошириш курсларини жорий қилсин.

9. Университет фаолиятини ўз вақтида йўлга қўйиш ва белгиланган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида, истисно тариқасида:

"Геотекстайминот" давлат корхонасига — Марказни жиҳозлаш учун мазкур қарорга 2-иловада назарда тутилган замонавий лаборатория-технологик ускуналар ва инвентарларни харид қилиш учун техник топшириқларни "Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУҚда мажбурий экспертизадан ўтказмасликка;

Давлат геология кўмитаси тизимида фаолият юритаётган ташкилотларга — ҳар йилги минерал хомашё базасини ривожлантириш давлат дастурларини бажариш учун геология-қидирув ишларига ўзаро ҳамда илмий-тадқиқот ва лаборатория-таҳлил ишларига Университет билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга руҳсат берилсин.

10. Давлат геология кўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2020 йил 1 сентябрга қадар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда 2020/2021 ўқув йили учун Университетга талабаларни қабул қилиш жараёнини талабга мувофиқ ўтказилишини таъминласин;

ўқув жараёнига илгор таълим методикалари ва технологияларини, билим даражасини баҳолаш механизмларини жорий этиш, шунингдек, амалий машғуллотлар ва ўқув ишлаб-чиқариш амалиётларининг давомийлигини оширишни назарда тутувчи Университет фан дастурлари ва ўқув режаларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

Университет ҳузурида етакчи геология ва коччилик йўналишидаги хорижий олий таълим муассасаларининг, шу жумладан, Санкт-Петербург коччилик университетининг махсус умумтаълим ва базавий техник фанларини ўқитишга ихтисослашган **Бошланғич муҳандислик тайёрлаш марказини ташкил этсин.**

Университет ҳузуридаги Бошланғич муҳандислик тайёрлаш маркази битирувчилари ўз ўқишларини мутахассислиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат геология кўмитасининг нуфузли таълим муассасалари билан келишувига асосан хорижий олий таълим муассасаларида, шу жумладан, Санкт-Петербург коччилик университетидан ёки Университетда давом эттириши белгилаб қўйилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2020-2021 ўқув йилида Университет талабаларини қабул қилиш ва ўқитиш жараёнини ўз мuddатида ташкил қилиш мақсадида, биринчи ўқув йилида уларни И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг тоғ-кон иши факультети ва ўқув-лаборатория биноларида таълим олишларига шароит яратиб берсин;

Давлат геология кўмитаси билан биргаликда **бир ой мuddатда** мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ Университетда тайёрланадиган мутахассисликлар рўйхатини инобатга олган ҳолда, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин.

Университет 2020-2021 ўқув йилида И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети биносига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

12. Қўйдагилар:
Геология фанлари университетини ташкил этиш ва унда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини йўлга қўйиш бўйича "йўл харитаси" 3-иловага мувофиқ;

Геология фанлари университетига sanoat корхоналаридаги геология соҳасига оид муаммолар ечимига қаратилган илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга оширишнинг мақсадли дастури 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари мазкур қарорнинг 3 ва 4-иловаларида назарда тутилган чора-тадбирлар ҳамда илмий-тадқиқот лойиҳаларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

13. Геология фанлари университетининг Вазирлик кенгаши таркиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қўйдагилар Университет Вазирлик кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида олий таълимни ривожлантиришга йўналтирувчи янги шаклар, дастурлар ва истиқболли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, илмий ишланмалар натижаларини геология-қидирув ишлари амалиётига самарали жорий қилиш;

Университетнинг таълим ва илмий-тадқиқот салоҳиятини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаш, ҳамкорлик битимларини тузиш амалиётини ривожлантириш ва уларни амалга ошириш;

илмий-техник ишланмаларни молиялаштириш ва стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун республика ва халқаро грант маблағларини жалб қилишга қўмақлашиш;

Университетни мунтазам ривожлантиришни таъминлаш учун ҳомийлик хайрия маблағларини, техник қўллаб-қувватлаш (грантлар) ва бюджетдан ташқари бошқа маблағларни жалб қилиш;

Университетнинг моддий-техник базасини мустақамлаш, уни замонавий ўқув-лаборатория ва тажриба-sanoat ускуналари билан таъминлашга ёрдам кўрсатиш;

таълим ва илм-фан соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш;

давлат, жамият ва бизнес тузилмалари билан битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича янада самарали ҳамкорлик қилиш;

Университетнинг педагог, илмий ва бошқа ходимлари иш шароитларини ҳамда ижтимоий таъминотини яхшилаш.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат геология кўмитаси, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ўшбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИ СОДДАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА



5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси 2020 йил 1 июлга қадар ўзини ўзи банд қилган шахсларни масофадан туриб рўйхатга олиш учун қўйдаги имкониятларни назарда тутувчи мобиль иловани ишлаб чиқсин ҳамда жорий қилсин:

буюртмаларни қабул қилиш ва кўрсатилган хизматлар (товарлар) учун тўловларни амалга ошириш;

юридик шахсларга хизматлар кўрсатишда (товарларни сотишда) электрон ҳисоб-китоб фактураларни тақдим қилиш; мобиль илова ёрдамида ихтиёрий асосда даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш ҳамда ўшбу маълумотлардан кейинчалик, шу жумладан, кредит олиш ва (ёки) солиқларни ҳисобдан чиқариш мақсадида фойдаланиш;

ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг товарларини (ишларини, хизматларини) реклама қилиш;

кўрсатилмаётган хизматлар (товарлар) сифатини баҳолаш ва истемолилар томонидан фикр-мулоҳазалар қолдириш.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда юридик шахслар — тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қайта рўйхатдан ўтказиш катта миқдорларда солиқ қарздорлиги мавжуд бўлмаган тақдирда хабар бериш тартибини қўллаган ҳолда бекор қилинади;

якка тартибдаги тадбиркорларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш уларни давлат томонидан рўйхатдан ўтказилганда (қайта рўйхатга олинаётганда) **тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш жойи бўйича** амалга оширилади;

якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома **унда якка тартибдаги тадбиркорнинг фотосурати акс эттирилган ҳолда** берилди;

7. Белгилаб қўйилсинки, ўзини ўзи банд қилган шахслар учун назарда тутилган фаолият турлари билан шуғулланувчи, иштирокчилари сонини камида уч нафар бўлган оилавий корхоналар айланмадан солиқни белгиланган миқдордан 50 фоизга камайтирилган ставкада тўлайдилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Савдо-sanoat назорати **2021 йилда** тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни осонлаштириш, шу жумладан, қўйдагиларга

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 8 июнь

Халқ қабулхонаси

ДАВЛАТ ВА ХАЛҚ БИРЛИГИ ИФОДАСИ



Коронавирус пандемияси давом этаётган, карантин қоидалари амал қилаётган ҳозирги кунларда ўзгалар кўмагига муҳтож оилалар сонини ортгани сир эмас. Дўстлик туманининг "Олтин водий" маҳалласида яшовчи Марғуба Анорова ана шундайлардан бири.

— Оиламиз азёсосидан бири ногирон, яна бири яқинда пойтахтдаги шифохонада даявланиб чиқди, яшаётган уйимиз эса таъмирга муҳтож, — дейди уй бекаси. — Узимиз эллаймиз десақ, қўлимиз калпалик қилди. Булиб ўтган сайёр қабулда шу масала бўйича Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирини унинг босиб олган шифохонада жойлаштириш бўйича маълумот берди.

Республика касабга уюшмалари федерацияси ўшбу оиллага 9 миллион сўм маблағ ажратилиши зиммасига олди. Бундан ташқари, туман ҳокимлиги мутасаддилари М.Аноровага шу ернинг ўзида миниелектр тандир тортиқ қилди.

Сайёр қабуллар иштирокчилари орасида нафақат ўзининг шахсий эҳтиёжи, балки давлат ва жамоат манфаатини кўзлаётган юртдошларимиз ҳам кўпчиликти ташкил этди. Бир гуруҳ ирригаторларнинг вегетация мавсумида вилоятдаги экин майдонларини сув билан таъминлашда муаммолар вужудга келиши мумкинлиги, бундай ҳолатнинг олдини олиш учун эса жами 9,2 миллион сўмлик 214 дона насос агрегати зарур бўлиши ҳақидаги суровнома ҳам эйтилганда олинди.

имкон яратувчи сервислардан реал вақт режимида фойдаланишга ёрдам берадиган "Бизнес навигатор" ахборот тизимини жорий қилсин;

тадбиркорлик фаолиятининг тегишли ҳудуддаги рақобатбардош турини танлаш; кредит олиш учун зарур бўлган бизнес-режа лойиҳаси ва ҳужжатлар тўпламини шакллантириш;

тегишли тадбиркорлик фаолияти учун тақдим этилган имтиёз ва преференциялар тўғрисида маълумот олиш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун кўчмас мулк объектларини танлаш.

9. Қўйдагилар:
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги "Бизнес навигатор" ахборот тизимини яратиш бўйича буюртмачи этиб;

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари "Бизнес навигатор" ахборот тизимини яратиш, техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ишларнинг молиялаштириш манбаи этиб белгилансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ кўмитаси билан биргаликда 2021 йилга мўлжалланган солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясини тайёрлашда қўйдагиларни назарда тутсин:

ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан тўланадиган ижтимоий солиқ суммасининг энг кам миқдорини ўрнатиш;

якка тартибдаги тадбиркорларнинг ёлланма ишчиларига ёлланма ишлаш асосида меҳнат фаолиятини олиб борувчи шахслар учун ўрнатилган солиққа тортиш тартибининг таъбиқ қилиш.

11. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ кўмитаси билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда амалий аҳамияти кенг ёритилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Х.КАРИМОВ, журналист.

Қарор ва шарҳ

Пандемия бизни нафақат озодлик ва тартиб-интизомга, балки ахборот - коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишга ҳам ўргатмоқда. Маълумотларга қўра, агар мамлакатимизда солиқ тизими тўлиқ рақамлаштирилса, солиқ тўловчиларга кўрсатиладиган электрон давлат хизматлари ва уларнинг мобил иловалари сони оширилса, йилига 50-60 тонна қоғоз тежалди. Шу билан бирга, солиқ тўловчиларнинг ҳисобот топшириш ҳажми ҳам 4-7 баробар ортади.

СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ ЭЛЕКТРОН СТРАТЕГИЯСИ

Соҳиба МУЛЛАЕВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 июнда қабул қилинган "Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Давлат солиқ қўмитасининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш чора-тадбирлари режаси тасдиқланди. Хўш, мазкур қарор солиқ тизимидаги қандай муаммоларга барҳам беради?

— Солиқ тизимининг мавжуд сервер ресурслари чекланган, электрон давлат хизматлари ҳамда ахборот тизимлари сони ошиши ва бу орқали маълумотлар базасига тўшаётган мурожаатлар ҳажми йилдан-йилга кескин ортиб бораётгани маълумотларни тезкорлик билан таҳлил қилиш имкониятини бермаётган эди, — дейди Давлат солиқ қўмитаси АКТ бошқармаси бошлиғи Бобур Ҳасанов. — Қолаверса, катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш орқали хуфиёна фаолиятни аниқлаш ва бюджетга қўшимча тушумларни жалб қилиш, солиқ тўловчиларга сифатли электрон давлат хизматлари кўрсатиш учун шароит ҳам етарли эмасди. Ушбу меъёрий ҳужжат орқали тизимга АКТ тўлиқ жорий қилинса, серверларнинг қуввати ва тармок тезлиги, улардаги узилтишлар, маълумотларни тезкор қайта ишлаш ва хизмат кўрсатишдаги муаммоларга барҳам берилади. Пандемия шароитида солиқ тўловчилар уйдан чиқмаган ҳолда солиқ мажбуриятларини электрон тарзда бажаришлари учун етарли шароитлар яратилди.

Business Intelligence ва Big Data технологияларининг йўлга қўйилиши натижасида катта ҳажмдаги маълумотларни тезкор қайта ишлаш ва таҳлил қилиш тизимлари кенгайди. Ўз навбатида, ҚҚС занжири назоратга олиш, товар ва хизматларнинг расмий иқтисодиётда ҳаракатланишини мониторинг қилиш имконини беради. Натижада хуфиёна айланмалар даражаси қисқариб, солиқ солинадиган база кенгайди ҳамда давлат бюджетига қўшимча тушумлар жалб қилинади.

СТРАТЕГИЯ ЙЎНАЛИШЛАРИ



Қарорга мувофиқ, стратегиянинг устувор йўналишлари белгиланди. Хусусан, давлат солиқ хизмати органлари ва солиқ тўловчилар ўртасида ўзаро алоқани масофавий тарзда ўтказиш, барча иштирокчилар ўртасидаги муносабатларни ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қўллаш орқали тўлиқ автоматлаштириш ва интерактив давлат хизматлари сони кенгайтириш ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ахборот тизимлари билан электрон ҳамкорлик орқали ахборот алмашишнинг самарали ташкил этиш, бу борада мавжуд муаммоларни бартараф қилиш шулар жумласидандир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур вакифалар тўлиқ амалга оширилса, экстерриториал принциплари асосида солиқ тўловчилар ўз солиқ мажбуриятларини ихтиёрий бажариши, бизнесни қонуний, шаффоф ва кулай юритиш учун мақбул шарт-шароитлар яратиш таъминланади. Бундан ташқари, солиқ тўловчиларга кўрсатиладиган электрон давлат хизматлари сифати ошиб, солиқларни ихтиёрий тўлаш даражаси 90 фоизга етказилиши мумкин.

Катта ҳажмдаги маълумотларни сақлаш, қайта ишлаш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш, онлайн назорат касса машиналари, электрон ҳисобварақ-фактуралар ва бошқа марказлашган тизимларни кенг жорий қилиш орқали иқтисодиётда хуфиёна фаолиятни қисқартириш стратегиянинг устувор йўналишлари тарихига кирди.

— Марказлашган тизимлар орқали шаклланган маълумотларни қайта ишлаш натижасида бозор конъюктурасини ўрганиш, товар ва хизматларнинг бозор нархларини таҳлил қилиш ҳамда прогнозлаш, ҚҚС занжирини назоратга олиш, товар ва хизматларнинг расмий иқтисодиётда ҳаракатланишини мониторинг қилиш имконияти юзага келади, — дейди

Бобур Ҳасанов. — Эътиборли томони, тизимдаги бу ислохотлар нафақат солиқ ходимларига энгиллик беради, балки тадбиркорлар фаолиятида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

ОНЛАЙН НКМ ТИЗИМИГА ТЎЛИҚ ЎТИЛАДИ

Президентимизнинг 2019 йил 6 сентябрдаги "Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида тадбиркорлик субъектларининг фаолият тури ва айланма маблағига мувофиқ, онлайн НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланишга ўтиш муддатлари тасдиқланган. Унга қўра, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, дори воситалари, бензин, дизель ва газ ёқилгиси савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари 2020 йил 1 январдан, шунингдек, ўтган йил якуни бўйича йиллик тушуми 5 миллиард сўмдан ошган ёки йил давомида мазкур чегаравий миқдорга етган тадбиркорлик субъектлари 2021 йил 1 январдан янги турдаги касса аппаратларидан фойдаланиш тартибига ўтиши белгиланди. Қолган барча тадбиркорлик субъектлари 2022 йил 1 январдан онлайн назорат-касса машинаси ёки виртуал касса билан таъминланиши кўзда тутилмоқда.

Айталик, жорий йил 1 январь санасидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси бўйича онлайн НКМдан фойдаланиш тартибига ўтиши лозим бўлган 1 167 та тадбиркорлик субъектидан 641 тасида шу тартиб йўлга қўйилди. Бу субъектларнинг асосий қисмини дори воситаларини сотиш билан шуғулланувчи дорихоналар ҳамда автотранспорт воситаларига ёқилғи қўйиш шохобчалари ташкил этади. Эндиликда бу тадбиркорлар назорат-касса дафтарини юритиш, НКМ бўйича кунлик ҳисоботни чиқариб олиш, нақд пулни ҳар куни инкассация қилиш каби мажбуриятлардан халос бўлди.

Бухоро вилояти мисолида олиб қарасак, ҳудудда 500 дан зиёд хўжалик юритувчи субъект онлайн назорат касса машиналари хизматидан фойдаланишга тўлиқ ўтган. Эътиборлиси, бу жараён орқали тадбиркорлик субъектларидаги сотувчиларнинг иши анча осонлашган.

— Корхонамизда жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб онлайн назорат касса машиналари хизматидан фойдалана бошладик, — дейди Бухоро шаҳридаги "Family factasia" хусусий дорихонаси раҳбари Феруз Шарипов. — Ушбу қурилма ишимизни анча энгиллаштирди, десам муболаға бўлмайди. Негаки, биз илгаригидек назорат-касса дафтарини юритмаппиз. Қолаверса, иш куни охирида ҳар бир назорат касса машинаси бўйича кунлик ҳисоботни чиқариб олиш каби мажбуриятлардан озод бўлдик. Бундан ташқари, онлайн НКМ хизматидан фойдаланувчиларга берилган қулайликларга мувофиқ, биз кунлик ўртача нақд пул тушуми миқдоридан қатъи назар, нақд пулни банк кассаларига инкассация хизматлари орқали ўзимиз белгиланган вақтда ёки мустақил равишда топширяпмиз.

Бу каби энгилликлар самараси туфайли ундан фойдаланувчилар сони ҳам ортиб бормоқда. Мисол учун, йил бошида Бухоро вилоятида онлайн НКМдан фойдаланувчилар сони 27 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 535 тага етган. Йил якунигача эса улар сони 2 000 дан ошиши кутилмоқда.

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

Мазкур қарор тизимдаги қандай муаммолар ечимга хизмат қилишини келтириб ўтдик, энди унинг амалий натижаларига тўхталсак.

— Маълумотларни қайта ишлаш марказини модернизация қилиш натижасида маълумотлар базасининг ҳажми тахминан 1 петабайтга етказилади, — дейди Бобур Ҳасанов. — Маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш тезлиги 7-12 баробар, барча солиқ идораларининг телекоммуникация тизимларини модернизация қилиш орқали маълумот алмашиш тезлиги эса 10 баробар ошиши таъминланади. Масофавий таълим тизимлари йўлга қўйилди. Бугунги кунда маълумотлар базасида оқлама кўпчилиги сабабли солиқ ходимларининг атиги 10-20 фоизи таҳлил қилиш билан шуғулланаётган бўлса, АКТ тўлиқ йўлга қўйилгач, самарадорлик оқиб, бу кўрсаткич 50-60 фоизга етади. Шунингдек, кераксиз ва тақорланувчи вакифалар олиб ташланади ҳамда бизнес жараёнга сарфланган умумий вақт 20-30 фоиз қисқаради.

Бир сўз билан айтганда, солиқ назорати тизими солиқ тўловчилар фаолиятига аралашини, шунингдек, давлат солиқ хизмати органларида инсон омиллиги ҳамда коррупция ҳолатларини камайтириш имконини берувчи масофавий таҳлил ишлари асосида йўлга қўйилади.

Бугуннинг гапи

РАҚАМЛАР ОРТИДАН ҚУВИШ ЭМАС, ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШ УЧУН ЧИН КЎНГИЛДАН ИШЛАШ КЕРАК

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи

Пандемия шароитида эҳтижманд оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимизда қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, карантиннинг дастлабки даврида қабул қилинган қарорларга асосан, нафақа ва моддий ёрдам оладиган бола оилалар сони 595 мингдан 655 минг нафарга қўпайтирилган бўлса, 13 май куни Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида улар сони қўшимча 70 мингтага ёки 10 фоиз оширилиб, бюджетдан яна 200 миллиард сўм ажратиш белгиланган эди.



МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ ЭЛЕКТРОН ЙЎЛИ

— Болалар учун нафақа ёки ёрдам пули олиш учун кўп қийналардик, — дейди Гулистон шаҳридаги "Истикбол" маҳалласида яшовчи Малика Қосимова. — Уйимиз кадастрдан ташқари оиланинг таркиби ва даромадлари, болаларнинг туғилганлик гувоҳномалари нухсалари, нафақа ёки моддий ёрдам тўланмагани тўғрисида маълумотнома ва ҳоказолар олиб бориб, маҳалла раисига топширдик, кутинг, дейишарди. Маҳалладан уч-тўрт киши келиб,



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЯҲОНА РЕЕСТРИ ҚАНДАЙ МАҚСАДЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ?

Ижтимоий ҳимоя ягона реестри бошланғич босқичда ижтимоий нафақаларни тайинлаш учун инсон омилсиз оила (фуқаро)нинг муҳтожлигини ўзи аниқлайдиган, нафақаларни тайинлаб, тўловларни амалга оширадиган ва назорат қиладиган, харажатлар ҳисобини юритадиган автоматлашган ахборот тизими ҳисобланади.

Кейинги босқичларда бу тизим ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаро ва оилаларга давлат томонидан кўрсатиладиган маблағ ёки маҳсулот кўринишидаги барча ёрдам турлари (ота-оналар тўловисиз мактабга-таълим муассасасига қатнаш, ўқувчиларни текин дарслиқлар тўплами билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш муассасаларида бепул ёки имтиёзли тиббиёт хизматларини кўрсатиш, ипотека кредитлари учун бошланғич бадални тўлаш ва бошқани) қамраб олади.

— Ижтимоий ҳимоя ягона реестри орқали ижтимоий нафақаларни тайинлашда фуқаролар томонидан тақдим этиладиган маълумотларга зарурат бўлмаслиги ҳисоби ижтимоий нафақаларга муҳтож оилалар учун ариза бериш жараёни кескин энгиллашади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари Шохрух Шарахметов. — Ушбу оилалар учун маълумотларни йиғиш каби сарсонгарчиликларга барҳам берилган ҳолда кам таъминланганликни эътироф этиш ҳамда ижтимоий нафақаларни тайинлаш ёки рад этиш жараёни максимал даражада шаффофлашади. Нафақани тайинлаш ёки рад этиш тўғрисида қарор фақат Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ахборот тизими томонидан унга киритилган мезонлар асосида қабул қилинади, бунда инсон омиллиги ҳеч қандай роль ўйнамайди.

— Ижтимоий ҳимоя ягона реестри орқали ижтимоий нафақаларни тайинлашда фуқаролар томонидан тақдим этиладиган маълумотларга зарурат бўлмаслиги ҳисоби ижтимоий нафақаларга муҳтож оилалар учун ариза бериш жараёни кескин энгиллашади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари Шохрух Шарахметов. — Ушбу оилалар учун маълумотларни йиғиш каби сарсонгарчиликларга барҳам берилган ҳолда кам таъминланганликни эътироф этиш ҳамда ижтимоий нафақаларни тайинлаш ёки рад этиш жараёни максимал даражада шаффофлашади. Нафақани тайинлаш ёки рад этиш тўғрисида қарор фақат Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ахборот тизими томонидан унга киритилган мезонлар асосида қабул қилинади, бунда инсон омиллиги ҳеч қандай роль ўйнамайди.

— Ижтимоий ҳимоя ягона реестри орқали ижтимоий нафақаларни тайинлашда фуқаролар томонидан тақдим этиладиган маълумотларга зарурат бўлмаслиги ҳисоби ижтимоий нафақаларга муҳтож оилалар учун ариза бериш жараёни кескин энгиллашади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари Шохрух Шарахметов. — Ушбу оилалар учун маълумотларни йиғиш каби сарсонгарчиликларга барҳам берилган ҳолда кам таъминланганликни эътироф этиш ҳамда ижтимоий нафақаларни тайинлаш ёки рад этиш жараёни максимал даражада шаффофлашади. Нафақани тайинлаш ёки рад этиш тўғрисида қарор фақат Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ахборот тизими томонидан унга киритилган мезонлар асосида қабул қилинади, бунда инсон омиллиги ҳеч қандай роль ўйнамайди.

— Ижтимоий ҳимоя ягона реестри орқали ижтимоий нафақаларни тайинлашда фуқаролар томонидан тақдим этиладиган маълумотларга зарурат бўлмаслиги ҳисоби ижтимоий нафақаларга муҳтож оилалар учун ариза бериш жараёни кескин энгиллашади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари Шохрух Шарахметов. — Ушбу оилалар учун маълумотларни йиғиш каби сарсонгарчиликларга барҳам берилган ҳолда кам таъминланганликни эътироф этиш ҳамда ижтимоий нафақаларни тайинлаш ёки рад этиш жараёни максимал даражада шаффофлашади. Нафақани тайинлаш ёки рад этиш тўғрисида қарор фақат Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ахборот тизими томонидан унга киритилган мезонлар асосида қабул қилинади, бунда инсон омиллиги ҳеч қандай роль ўйнамайди.

— Ижтимоий ҳимоя ягона реестри орқали ижтимоий нафақаларни тайинлашда фуқаролар томонидан тақдим этиладиган маълумотларга зарурат бўлмаслиги ҳисоби ижтимоий нафақаларга муҳтож оилалар учун ариза бериш жараёни кескин энгиллашади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари Шохрух Шарахметов. — Ушбу оилалар учун маълумотларни йиғиш каби сарсонгарчиликларга барҳам берилган ҳолда кам таъминланганликни эътироф этиш ҳамда ижтимоий нафақаларни тайинлаш ёки рад этиш жараёни максимал даражада шаффофлашади. Нафақани тайинлаш ёки рад этиш тўғрисида қарор фақат Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ахборот тизими томонидан унга киритилган мезонлар асосида қабул қилинади, бунда инсон омиллиги ҳеч қандай роль ўйнамайди.

— Ижтимоий ҳимоя ягона реестри орқали ижтимоий нафақаларни тайинлашда фуқаролар томонидан тақдим этиладиган маълумотларга зарурат бўлмаслиги ҳисоби ижтимоий нафақаларга муҳтож оилалар учун ариза бериш жараёни кескин энгиллашади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари Шохрух Шарахметов. — Ушбу оилалар учун маълумотларни йиғиш каби сарсонгарчиликларга барҳам берилган ҳолда кам таъминланганликни эътироф этиш ҳамда ижтимоий нафақаларни тайинлаш ёки рад этиш жараёни максимал даражада шаффофлашади. Нафақани тайинлаш ёки рад этиш тўғрисида қарор фақат Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ахборот тизими томонидан унга киритилган мезонлар асосида қабул қилинади, бунда инсон омиллиги ҳеч қандай роль ўйнамайди.

автотранспорт воситалари, ишлаганлиги ёки ишсиз бўлганлиги, ишсиз бўлиб меҳнат органларига мурожаат қилганлиги тўғрисида маълумотлар Ижтимоий ҳимоя ягона реестри орқали аниқланади. Чунки Ижтимоий ҳимоя ягона реестри уларни солиқ, кадастр, ички ишлар, меҳнат ва бошқа идоралардан автоматик равишда электрон тарзда олади.

Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ҳеч қандай инсон омилсиз аризалар билан олинишига ижтимоий нафақаларни тайинлайди ёки тайинлашни рад этади ва бу бўйича қабул қилинган қарорлар аризалар ёки унинг оила аъзоларига SMS хабарлар орқали етказилади.

ЯНГИ ТИЗИМ БАРЧА ТУМАН ВА ШАҲАРЛАРДА ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 апрелдаги қарорига асосан, Сирдарё вилоятида тажриба лойиҳаси доирасида 2019 йил 1 октябрдан бошлаб Ижтимоий ҳимоя ягона реестри орқали ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби белгиланди, вақтинчалик низом тасдиқланди. Ана шу ҳужжатлар асосида Сирдарё вилоятида бу тизимдан фойдаланиб келинмоқда.

— Эътиборли томони, янги тизимни шакллантириш учун ҳозирги кунга қадар давлат бюджетидан 1 тийин ҳам сарфланмаган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари Шохрух Шарахметов. — Барча харажатлар ва тадбирлар ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан тақдим этилган грант маблағлари ва техник кўмаги ҳисобидан амалга оширилмоқда. Бу мақсадлар учун 2019-2021 йиллар давомида 610 минг доллар йўналтирилиши кўзда тутилган бўлиб, Пенсия жамғармаси Сирдарё вилояти бошқармаси ва туман (шаҳар) бўлимларига 23 дона компьютер, планшет ва 11 дона лазерли принтер сотиб олинди. Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар тайинлаш ва уларнинг мониторингини амалга ошириш бўйича бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимларига 12 нафар ходим ишга қабул қилинди.

Янги ахборот тизими "Development Pathways" иختисослаштирилган халқаро компанияси томонидан яратилди ва бу тизим орқали 9 та вазирлик ва идоралар (Давлат хизматлари агентлиги (ФХДЭ бўлимлари), Молия вазирлиги ва Пенсия жамғармаси, "Ўздавгеодекадастр", Давлат солиқ қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат персоналлаштириш маркази, Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва Халқ банки) маълумотлар базари билан реал вақт режимида электрон алмашуви асосида 20 турдаги маълумотлар олинмоқда.

Ҳозирги кунда тажриба-синов жараёнида аниқланган камчилик ва муаммолардан келиб чиқиб, "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими янада тақомиллаштирилди ва шуни ҳисобга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги қарори билан вақтинчалик низом янгиланди.

Президентимиз 3 июнь куни ўтказилган йиғилишда, юқорида қайд этилганидек, мутасаддиларга йил охиригача Ижтимоий ҳимоя ягона реестри замин бўладиган янги тизимни вазирлик, — вилоят — туман — маҳалла кесимида тўлиқ жорий этиш бўйича кўрсатма берди.

Мазкур янги тизим, ўз навбатида, бугунги синовли даврда рақамлар ортидан қувиш эмас, балки халқни рози қилиш учун чин кўнглидан ишлашни таъминлашда ҳам қўл келади.

9 июнь - Халқаро архивлар куни

“ЎЗАРХИВ”:

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Бугунги кунда Ўзбекистон халқаро майдондаги обрў-эътиборини мустаҳкамлаш ва хорижий давлатлар билан яқин дўстона муносабатлар ўрнатиш учун барча чораларни кўрмоқда. Халқаро ҳамкорлик масаласига 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам алоҳида эътибор берилган.

Бу жараёнда “Ўзархив” агентлиги ҳам халқаро ҳамкорликни кучайтириш, хорижий мамлакатлар архив хизматлари билан алоқаларни мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратмоқда.

9 июнь - Халқаро архивлар куни муносабати билан муҳбиримизга “Ўзархив” агентлиги директори Улугбек Юсупов агентлигининг халқаро муносабатлардаги ўрни ва фаолияти ва бу борадаги истиқболдаги вазифалар тўғрисида қўйидагиларни гапириб берди.

— Кейинги уч йилда тизимга бўлган эътибор тубдан ўзгарди, — дейди У. Юсупов. — Худудлардаги архивларга янги замонавий бинолар қуриб берилди, мутахассис кадрлар билан таъминлаш борасидаги ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда Президентимизнинг 2019 йил 20 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юриштириш тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикасида “Ўзархив” агентлиги фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозир юртимизда 8,4 миллион саклов бирлигида миллий архив фонди ҳужжатлари мавжуд. Бугун тизимда 3 та Миллий архив, 14 та архив иши худудий бошқаруви ва улар тизимида 100 та вилоят, шаҳар, туман давлат архиви фаолият қилинмоқда. Шунингдек, шахсий таркиб ҳужжатлари билан ишловчи 109 та давлат архиви бор.

Айни пайтда архив иши ва иш юриштириш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, давлат архивлари моддий-техника базасини яхшилашга эҳтиёж катта бўлиб, архив ҳужжатларини жамлаш, давлат ҳисобига олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишнинг замонавий механизмининг қўллаш заруратга айланган.

Архивлар фаолиятини тақомиллаштиришда халқаро интеграция муҳим аҳамият касб этади ва бу Ўзбекистон ташқи сийосати бевосита мувофиқдир. Хусусан, илмий-маданий соҳада халқаро алоқаларнинг ўрнатилиши, шу жумладан, МДҲ мамлакатлари ва хорижий давлатлар билан архив ишини йўлга қўйиш ва ривожлантириш, унинг асосий таркибий қисми ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистон архив хизматининг илк хорижий алоқаларидан бири унинг 1994 йил декабр ойда 16 та давлат вакиллари билан биргаликда ЮНЕСКО томонидан Малайзияда ташкил этилган Осиё-Тинч океани минтақаси архив хизмати раҳбарларининг ўн кунлик учрашувидан бошланган. Учрашув доирасида агентлик вакили “Дунё хотираси” дастури бўйича ЮНЕСКОнинг Осиё-Тинч океани минтақаси экспертларининг йиғилишида иштирок этиб, унда архивларнинг ҳолати, уларнинг сийосий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўрни тўғрисида маълумотларни тақдим этди. Ушундан буён “Ўзархив” бундай тадбирларнинг ажралмас иштирокчилари айланган.

Ўзбекистон архивлари интеграциясининг кейинги босқичи 2009 йил май ойда “Ўзархив” агентлигининг Халқаро архивлар кенгашининг “А” тоифасига киритилганлигидир. 2012 йилда Евроосиё бўлимининг XIII умумий конференцияси ва МДҲ давлатлари иштирокчилари давлат архив хизмати раҳбарларининг маслаҳат кенгаши йиғилиши Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

Мақсуд йиғилиш собиқ иттифок давлатлари фуқароларининг ўзаро маълумот олиш ҳуқуқини эркин таъминлашга имкон берди. 2003 йилда собиқ “Ўзбошархив” (“Ўзархив” агентлиги) томонидан биринчи марта 21 майда “Росархив”, 6 июлда Холокост бўйича Америка мемориал кенгаши ҳамда Вашингтондаги Холокост мемориал музейи билан икки томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Россия ва Ўзбекистон давлат архивлари фондларини ҳар икки давлат халқлари тарихига оид муҳим ҳужжатлар нусхалари билан тўлдиришда ўзаро ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича келишувлар амалга оширилди. Натижада 2010-2011 йилларда мамлакатимизга икки мингдан ортиқ тасдиқланган архив ҳужжати нусхалари ва республиканинг давлат чегарасини ўрнатиш билан боғлиқ 10 дан ортиқ картографик материал топширилди.

Архив иши соҳасида Қозоғистоннинг Маданият ва ахборот вазирлиги билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши (2007 йил июль) ўз самарасини берди. Битимга асосан, томонлар ўзаро меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, архив соҳаси бўйича маълумот ва ҳужжат алмашиш, архившунослик, археография ва ҳужжатшунослик оид адабиётлар ҳамда икки томоннинг манфаатларини ифодаловчи архив ҳужжатларининг нашрларини алмашишни келишиб олди.

Архив иши соҳасига оид бўлган янада фойдали ҳужжатлардан бири Греция ва Италия билан имзоланган ҳамкорлик битими ҳисобланади. Ушбу меморандумда ҳужжатларни таъмирлаш, ҳужжатлар сақловини таъминлаш, сўнган матнларни қайта тиклаш, архив ҳужжатларини рақамлаштириш бўйича мутахассисларнинг малакасини ошириш, архив иши бўйича илмий-амалий конференциялар, ўқув курслари ва семинарларини ташкил этиш масалалари белгилаб олинган.

Корея Миллий архиви билан тузилган шартнома (2016 йил) Сеулда бўлиб ўтган XVIII Халқаро архивлар конгрессида Ўзбекистон архив мутахассислари иштирокини таъминлади. Конгрессда рақамли ҳужжатларнинг яратилиши, айланishi ва ишлатилиши қандай бўлишидан қатъи назар, ҳужжатларнинг хавфсизлиги, улардан фойдаланиш ҳуқуқи ва ҳақиқийлигини таъминлаш бўйича фаолиятининг барча йўналишлари кўриб чиқилди.

Архив хизматлари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш жараёнида МДҲ мамлакатлари архивлари раҳбарларининг Минск (1992 йил апрель), Москва (1992 йил июль, 1993 йил октябрь) ва Киев (1994 йил ноябрь) шаҳарларида бўлиб ўтган учрашувлари тарихий аҳамиятга эга. Мустақил давлатларда архив иши ҳолати тўғрисида маълумот алмашишдан ташқари бу ерда фуқароларнинг



ижтимоий-ҳуқуқий сўровларининг бажарилиши ҳамда илмий тадқиқотчилар учун қулай шарт-шароитлар яратилиши масалалари бўйича томонларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш бўйича келишувларни амалга ошириш механизми кўриб чиқилган.

“Ўзархив” агентлиги ҳозирги кунда Россия Федерацияси, Қозоғистон, Украина, Миср, Жанубий Корея, Туркия, Венгрия, Бирлашган Араб Амириклари архивлари билан архив иши соҳасида ўзаро англашув меморандумлари асосида ҳамкорлик алоқаларини амалга ошириб келмоқда.

Утган давр ичида 20дан зиёд хорижий мамлакатларнинг элчилири Ўзбекистон давлат архивларига ташриф буюрди.

2018-2019 йилларда БАА Миллий архиви билан ўрнатилган ҳамкорлик икки давлат архивлари ўртасида Ўзбекистон Миллий архивлари моддий техника базасини ривожлантириш борасидаги келишувга эришилди.

Ўзаро ҳамкорлик натижасида биргина 2019 йилнинг ўзида Ўзбекистон Миллий архиви бўлиб ўзоналарида 30 дан ортиқ хорижий тадқиқотчи ўз илмий ишлари учун архив материалларидан фойдаланди.

Ўзбекистон Илмий техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архивига “CERT INTERNATIONAL” ташкилоти билан ҳамкорлиги натижасида 2016 йилда халқаро ISO ташкилоти стандартлари оиласига мансуб ISO 9001:2015 сертификати, 2019 йилда эса Ўзбекистонда илк бор ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши ҳаракат бошқаруви тизими” халқаро сертификати топширилди.

“Ўзархив” агентлиги тизимидаги мутахассис ходимлар мунтазам равишда хорижий семинар ва конференциялар, малака ошириш курсларида иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан Ўзбекистон Миллий архивига сақланаётган Бухоро амрлиги фонди асосида тайёрланган номзоднома ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссиясига киритилди.

Бир сўз билан айтганда, соҳамизда ўзаро ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Келгусида бу борадаги ишларни янада яхшилаш, ҳамкорлик алоқалари ўрнатишга давлатлар билан алоқаларни йўлга қўйиш борасида зарур чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Лутфулла СУВОНОВ ёзиб олди.

Томорқа хизмати

Қишлоқ аҳолисини иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва турмушини фаровонлаштиришда томорқаларнинг аҳамияти катта. Сурхондарё вилояти аҳолиси эгаллаб турган томорқа ерлар 48,9 минг гектардан иборат.



КЕНГАШ

ТОМОРҚАДОРЛАРГА ҚАЙ ДАРАЖАДА ҚЎМАКЛАШАЯПТИ?

Қишлоқ одамлари томорқаларида турфа зироатлар устириб биринчи навбатда оила аъзоларини қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга ва рўзгоридан ортиқ-часини бозорга чиқаришга эҳтиёж сезилганда, томорқада эртаги етиштирилган сабзавотларни экспортга чиқариб, кўпроқ даромадга эга бўлаётган тажрибали деҳқонлар сони бармоқ билан санарли эмас.

Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари Сурхондарё вилояти кенгашидан олинган маълумотга кўра, бу йил аҳоли томорқаларида 905,4 минг тонна қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштирилади. Томорқа ерларида бунёд қилинган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари харидор топшининг ҳам ўзига яраша машаққатлари бор. Томорқасида қарам ёки буғғор қалампир етилиб турса-у уни ўз вақтида сотолмаса деҳқон қилган харажатларини меҳнатига қуяди, қўли ишдан совийди. Шу боис, вилоятда томорқадорлар етиштирган маҳсулотини сотиш осон бўлиши ва бир пайтда тайёр бўлган маҳсулотларни харидорга улгуржи топширишни ташкиллаштириш ҳамда етиштирувчи ҳам, харидорга ҳам қулай бўлишини инobatта олиб воҳада икки-уч йилдири, “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида қишлоқ ҳўжалик экинларини устириш тажрибаси кенг қўлланилаётди.

Қишлоқ аҳолиси томорқасидан унумли фойдаланиши, иссиқхона барпо этиб, эртаги сабзавотлар етиштириши ва мўймай даромадга эга бўлишида фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари Сурхондарё вилояти кенгаши раис ўринбасари, республика Кенгаши хузуридаги фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Сурхондарё вилояти бўлича худудий вакили Баҳодир Қодиров билан томорқадорларни қўллаб-қувватлаш бўлича амалга оширилаётган ишлар хусусида сўхбатлашдик.

— Аввало, Кенгашнинг томорқадорларга кўрсатаётган хизматлари ва ёрдамлари ҳақида айтиб ўтсангиз...

— Айтиш керакики, Сурхондарёнинг барча туманларида ташкил қилинган “Томорқа хизмати” МЧЖлар орқали томорқадорларга ҳар томонлама қўмаклашляпти. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши хузуридаги фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ жамғарма маблағлари ҳисобидан айланма маблағларга эҳтиёжи бўлган “Томорқа хизмати” МЧЖларнинг устав фондини йигирма беш фоиздан кам бўлмаган миқдорда шакллантиришга ҳамда тижорат банклари орқали республика Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича икки фоиз банк маржасини ҳисобга олган ҳолда “Томорқа хизмати” МЧЖларга моддий-техника базани мустаҳкамлаш, қишлоқ ҳўжалик техникаларини сотиб олиш, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларига иссиқхоналар қуриш учун материаллар ва бутловчи қисмлар харид қилишга кредитлар беришга маблағлар ажратиш бўйича воҳада жорий йилнинг январь ҳолатида унта “Томорқа хизмати” МЧЖларга 10 миллиард 290 миллион сўм кредит ажратилган. Жорий йилда эса қолган “Томорқа хизмати” МЧЖларга ҳам навбатманавбат кредитлар ажратилиш режалаштирилган.

— Ҳўш, “Томорқа хизмати” МЧЖлар қишлоқ аҳлига қай даражада хизмат кўрсатиляпти?

— Масалан, Денов туманида фаолият кўрсатаётган Ислон Худойбердиев бошлиқ “Чағонён агро томорқа хизмати” МЧЖга ажратилган бир миллиард сўм кредитга ик-

йилда жамғарма маблағлари ҳисобидан яна кредитлар ажратилади. Бу сармояларни томорқадорлар иссиқхона қуриш, чорва молларини ҳамда парранда боқиш, уруғликлар харид қилиш, хуллас экин майдонларида турфа зироатлар парваришлаб мўл ҳосил етиштириш ва даромадга эга бўлишга сарфлашлари аниқ.

— Барча аҳолининг томорқаси сув билан тўлиқ таъминланган дейиш қийин. Айниқса тепалиқлар атрофида, лалми майдонларда яшайдиган оилаларнинг томорқаси у ёқда турсин, ичмиллик сувини ҳам ташиб ичишмоқда. Бу муаммони ҳал этиш борасида бирор чора қўриляптими?

— Вазирлар Маҳкамасининг “2019-2020 йилларда сув таъминоти оғир бўлган худудлардаги аҳоли томорқаларида сув етказиб бериш учун суғориш қудуқларини қазिशга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида республика фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раҳбарияти ва вилоят ҳўжимлиги ҳамкорлигида ишлаб чиққан дастурга асосан артезиан қудуқлари қазिश учун жамғарма ҳисобидан бу йил икки миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилади. Артезиан қудуғи қазил ва аҳоли томорқаларини сув билан таъминлаш мақсадида Қумкўрган туманидаги “Ибратли ўғлонлар” фермер ҳўжалиги ва “Худудларлар томорқа хизмати” МЧЖ мутахассислари Сарюсий туманидаги “Нихолзор” маҳалласида яшовчи фуқароларнинг томорқасини сув билан таъминлаш бўйича қудуқ қазил ишларини бошлади.

— Камбағалликни қамайтириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича бажариляётган ишлар ҳақида тўхталсангиз...

— Президентимизнинг 2020 йил 2 мартдаги 5953-сонли фармони ижроси бўйича воҳанинг деярли барча туманларида жами 26 та кооператив ташкил этилиб, уларда кам таъминланган оилаларнинг 1150 нафар иш-си эъзоси иш билан банд этилди. Шу мақсадда туманлардаги Бандлик марказлари маблағлари ҳисобидан 4 563, 3 миллион сўм субсидиялар ажратилди.

Бундан ташқари, республика фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағи ҳисобидан “Томорқа хизмати” МЧЖларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ ҳўжалик кооперативлари фаолиятини ривожлантириш, томорқадорларни қўллаб-қувватлаш, артезиан қудуқлари қазил учун жами 23 миллиард 937,4 миллион сўм ажратиш белгиланган. Шубҳасиз бу молиявий қўмакларнинг барчаси қишлоқ аҳолисини ердан унумли фойдаланиб, мўл ва сифатли ҳамда эртаги қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш ва даромадларини оширишга хизмат қилади.

Сўхбатдош: Усмонали НОРМАТОВ



Абитуриент – 2020

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ:

қабул жараёнидаги янги тартиб ва таомиллар

Баҳодир ЖОВЛИЕВ, Ўзбекистон халқаро ислом академияси матбуот котиби

Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги “Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида академияда халқаро стандартлар ҳамда замонавий талабларга мос барча шароитлар яратилди.

Утган қисқа давр мобайнида академия томонидан юртимиздаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, буюк алломаларимиз илмий меросини ўрганиш соҳасида етук мутахассис кадрларни тайёрлаш юзасидан кенг қўлами вазифалар амалга ошириляпти. Хусусан, таълим сифати ва илмий тадқиқотлар самарадорлиги янада оширилиб, бу борада дунёдаги нуфузли олий таълим ва илмий тадқиқот марказлари билан кенг доирада амалий ҳамкорлик қилинаётгани алоҳида аҳамиятга эга.

Шу маънода, жорий йилнинг 5 июнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон халқаро ислом академиясига ўқишга қабул қилиш тартибин янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам муҳим янгилик бўлди.

Унга мувофиқ, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон халқаро ислом ака-

демияси бакалавриатига ўқишга кириш мақсадида ҳужжат топширган абитуриентлар учун дастлабки имтиҳондан ўтиш тартиби жорий этиладиган бўлди. Бунда мазкур имтиҳон натижаларига кўра абитуриентларга Давлат тест маркази томонидан ташкил этиладиган кириш имтиҳонларининг кейинги босқичлари (касбий (иждоий) имтиҳон ва тест синовлари)га рухсат бериш ёки рад этиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилиниши белгиланди ва юқоридаги қарор асосида тасдиқланди. Бу эса Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг бакалавриатига қабул қилиш тартиби тўғрисида низомда ҳам алоҳида тасдиқланди.

Мақсуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида Ўзбекистон халқаро ислом академиясига 2020/2021 ўқув йили учун абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиш жараёни 15 июндан 5 июлга қадар давом этиши маълум қилинди.

Ушбу тартиб асосида абитуриентлар учун янгилик бўлган дастлабки имтиҳонни ўз вақтида топшириш ва белгиланган зарур балларни тўплай олмаган тақдирда ўзи истган бошқа олий ўқув юртига ҳужжат топшириш имконияти бой берилмаслиги таъминланди. Шу ўринда Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ташкил этиладиган дастлабки имтиҳон тартиб-қоидалари ва ўтказиш шакллари ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Дастлабки имтиҳон ёзма шаклда, уч блокдан иборат бўлиб, абитуриентлар қуйидаги синовлардан ўтади: Интеллектуал даража. Унда абитуриентнинг мантйқий ва кенг фикрлаш, турли тушунчалар, фактларни таққослаш ҳамда улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлиқни топшириш имконияти баҳоланади. Бу синовда абитуриент максимал 40 балл олиш имкониятига эга. Маънавият ва маърифат асослари


бўйича билим даражаси. Максимал 30 балл берилади. Бу синовда абитуриентнинг маънавият асослари, миллий ғоя ва мафкура, ҳуқуқ ва сиёсат, адабиёт, тарих, исломшунослик ва диншуносликка таалуқли ва бошқа масалалар юзасидан мантйқий ва асосли тушунтириш қобилияти ўрганилади. Хорижий тиллар (инглиз, француз ва немис тилларини) билиш даражаси. Бунда ҳам максимал 30 балл олиш имкони мавжуд. Ушбу босқичда абитуриент Ўзбекистон маданияти, санъати, тарихи, географиясига таалуқли ва бошқа соҳаларга оид масалалар юзасидан мантйқий ва асосли тушунтириш қобилиятини намоён этиши зарур бўлади. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда миллий ҳамда халқаро баҳолаш тизимлари сертификатларини таътиб қилиш чора-тадбирлари



тўғрисида”ги қарори талабларига мувофиқ, чет тилини билиш даражаси бўйича муайян сертификатларга эга абитуриентларга хорижий тиллар блоқи бўйича максимал балл берилади. Ҳозир дунёда кечаётган пандемия шароитидан келиб чиққан ҳолда қабул жараёни билан боғлиқ бўлган саволларга академия расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқлардаги телеграм саҳифалари орқали жаъоб олиш мумкин.



ЮСУФ ҲАМАДОНИЙНИНГ ЎЛМАС МЕРОСИ



Камол МАТЌУБОВ

Минг йиллар муқаддам умргузаронлик қилган ва шайхул ислом даражасига етишган Хожа Убайдуллоҳ Ансорий ўзигача яшаб ўтган барча алломалар, буюк шахслар, сўфийлар илмий кашфиётлари, таълимотлари, ҳикматларини ўрганишга даъват қилиб: “Дунё мутафаккирлари, улўғ инсонлари, валийларининг ҳар бир сўзини ёд олинглар, насихатларини эсда тутинглар, ишларини ўрганинглар, ҳаётий ҳулосаларидан сабоқ олинглар, ана шунда бу оламни янада гўзал, улўғвор ва пойидор қиласизлар”, деб ёзади. Улўғ шайх, алломанинг бу даъвати ўздан кейинги барча дошизмандлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилди.


Ислом оламида тасаввуф таълимоти етакчиларидан бири, Марказий Осиёда ана шу таълимотни бошлаб берган буюк мутасаввуф Хожа Юсуф Ҳамадоний эса бу даъватни нафақат ўзи учун ибрат қилиб олди, балки уни ҳаётда амалий ифодасини топтирган, улўғ салафлари орзуларини рўёбга чиқарган буюк зотга айланди. Ҳўш, унинг бу борадаги улўғ хизматлари нималардан иборат эди? У юртимиз тарихида қандай роль ўйнади? Ўздан кейинги авлодлар учун қандай мерос қолдирди?

Унинг атрофида минглаб шогирдлар тўпланди”, деб маълумот беради. Ана шу шогирдлари орасидан Хожа Абдуллоҳ Баррақий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний, Хожа Абдурахмон Алиёна, Абдулқодир Филоний кабилар ислом оламида улўғ алломалар, сўфийлар, тарикат пирлари сифатида танилдилар. Муаррихлар Юсуф Ҳамадонийни Мовароуннахр, Хуросон, Хоразмда сўфийлик тариқатини бошлаб берган ва уни тарғиб қилган мутасаввуф аллома сифатида эҳтиром билан тилга оладилар. Ҳақиқатан ҳам, кейинчалик бу ўлкаларда яссавия, кубравия, нақшбандия тариқатларининг пайдо бўлиши аллома фаолиятининг

аннал кавна мусаххарун лил-инсон” (“Инсон қалбини ўрганиш ҳақида рисола”) каби асарлари бугунги кунгача етиб келган. Унинг сўфийлар одоб-ахлоқи тўғрисидаги “Рисола дар ахлоқ ва муножот” асари салжуқийлар ҳукмдори Султон Санжар илтимосига кўра ёзилган. Алломанинг турли шаҳарлардаги хонақоҳларда айтган ваъзлари ҳам шогирдлари томонидан асар сифатида тартиб берилган. У асарларида инсонларни яхшиликка ундаб: “Ақлга эргашинг, нафсга муҳолифлик қилинг, тоатга мағрурланманг, дунёга берилманг”, деб ёзади. Хожа Юсуф Ҳамадоний кароматгўй валий даражасига эришган инсон бўлган. Қадимий биткиларда ёзилишича, валийлар уч хил асосда каромат кўрсатишган. Баъзилари назар қуввати, бошқалари нафас

ний, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Али Сафий, Муҳаммад ал-Бухорий асарларида кўплаб маълумотлар берилган. Булар орасида Абдухолиқ Ғиждувонийнинг “Рисолаи соҳибия”, “Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний” асарлари алоҳида ўрин тутади. Абдухолиқ Ғиждувоний ушбу асарларида устози ҳақида бундай деб ёзади: “Пиёда ўттиз икки марта ҳаж қилган. Ҳафс қироати билан минг марта Куръонни хатм этган. Тафсир, ҳадис, фикҳ, усул, фуруъ, каломга доир етти юзта китобни ёд олган, икки юз нафар машойих билан танишган эди. Бир оёғи қисқа эди. Юзларида чечак хасталигидан излар қолганди. Соқоллари узун ва қизил, жуссалари озгин эди. Кимни кўрса “Хожа” деб мурожаат қиларди. Сафарга кўп чиқарди. Таомини ўзи пиширар, кийимини ўзи юварди. Овоз чиқариб кулмасди. Каромату ва-

йиллардаги ҳаёти ҳақида тўхталиб: “Ул зот Хоразм, Бухоро, Самарқандда бир фурсат яшаганларидан кейин Марв шаҳрида муқим турди. Кейинроқ Ҳиротга келиб, анча муддат у ерда фаолият юритди. 535 ҳижрийда (милодий 1141 йилда) Марв шаҳрига қайтиб бораётганида йўлда вафот қилди. Уни ўша жойда дафн қилдилар. Орадан анча вақт ўтгач, хокини Марв шаҳрига келтириб мақбара қурдилар. Мозори Марвадир”, деб маълумот беради. Алломага халқнинг эҳтироми ниҳоятда юксак эди. Шунинг учун вафот этганидан кейин унинг қадами теккан жойларда – Бомиён, Ҳирот, Марв, Самарқанд, Хоразм, Бухоро ва бошқа шаҳарларда мақбаралар тикланди, табаррук зиёратгоҳлар барпо этилди. Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги у яшаган ва унинг номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар бузилиб кетган.



Муаррихлар Хожа Юсуф Ҳамадоний Хоразм, Бухоро, Самарқандда 1105-1122 йиллар оралиғида яшаган, деб маълумот берадилар. Шундан унинг Хоразм билан боғлиқ ҳаёти 1105-1115 йилларга тўғри келади. Бу ерда у Гурганж, Ҳазорасп, Хива, Мазминия, Маздаҳқон, Кардар каби шаҳарларда яшайди. Мадрасаларда талабаларга сабоқ беради. Хонақоҳлар очиб шогирдларига маърузалар ўқийди. Шаҳарлар орасида Хушмисон, маҳаллий аҳоли ўртасида Катқалъа номи билан юритиладиган шаҳар унга манзур бўлади. Аҳолиси кўп, кўркам, обод бу шаҳар чеккасида хонақоҳ барпо этилган. Алломалар, шогирдлар билан учрашувлар, суҳбатлар ана шу ерда давом этади. Унинг 5-6 йиллик ҳаёти ана шу хонақоҳда кечади.

Маноқибларда ёзилишича, ислом оламида илми кароматлари туйғайли Гавсул Ўъзам, яъни Буюк мадакор нисбаси билан машҳур бўлган аллома Абдулқодир Филоний устози Юсуф Ҳамадоний билан ана шу ерда учрашган ва сўфийларга маърузалар ўқиган. Устоз-шогирднинг ҳамкорликлари умрлари охиригача давом этган. Юсуф Ҳамадоний садоқатли шогирдига эҳтиром билан муносабатда бўлган. Шу сабабли шогирдларига вафотидан кейин Абдулқодир Филоний қабрини қабримга ёндош қўйинглар, деб васият қилган. Катқалъа яқинидаги Юсуф Ҳамадоний барпо эттирган хонақоҳ турли даврларда кўплаб алломалар учун илму ижод маскани бўлган. XIV асрнинг ўрталарида бу ерга Юсуф Ҳамадонийнинг авлодларидан бири, унга вайсий шогирд хисобланган аллома, шоир, сўфий Саййид



ги кишлоқлардан бирида дунёга келди. Дастлаб оилада, кейин Исофаҳон шаҳридаги мадрасада таълим олади. Унинг 1068 йилдан кейинги ҳаёти ўша даврда ислом оламида илм-маърифат маскани сифатида танилган Бағдод шаҳрида кечади. Бу ердаги Низомия мадрасасида таълимни давом эттирди. Улўғ аллома, мадрасанинг бош мудarrisи Шайх Абул Исҳоқ Шерозийга шогирд тушади. У устозидан фикҳ, фалсафа ва мантқиқ илмини чуқур ўрганади. Кейинчалик шу мадрасада фикҳ ва ҳадис илмидан мудarrisлик қилади.

амалий натижалари эди. Юсуф Ҳамадоний тасаввуф таълимотида хўш дар дам (сўфий ҳар бир фурсатни ганимат билиши), назар дар қадам (сўфий ҳар бир қадами яхшилик йўлида босиши), сафар дар Ватан (сўфий юртини мукаммал билиши ва севиши), хилват дар анжуман (сўфий зоҳиран халқ билан, ботинан эса Аллоҳ ёди билан яшashi неча) деб аталган тўртта қоида яратди. Бу тўртта қоида жоҳгон тариқатининг шаклланишига асос бўлди.

Машойихлар шунинг учун жоҳгон тариқати Юсуф Ҳамадонийдан бошланган, дейишади. Ҳамадонийдан кейин шогирди Абдухолиқ Ғиждувоний бу тариқатни яна тўртта қоида билан бойитди. Баҳоуддин Нақшбанд улар устига яна учта қоида қўшди. Натижада 11 та қоидага асосланган нақшбандия тариқати юзага келди. Хожа Юсуф Ҳамадоний ва унинг издошлари исломда қуруқ зухду тақводан иборат тарки дунёчиликни рад этидилар. Уларнинг таълимотига кўра, инсон бу дунёда меҳнат қилиб, ҳалоллик билан кун кечирмоғи, қалбан эса Аллоҳ ёди билан яшамоғи, исломий қоидаларга амал қилмоғи талаб этилган. Кейинчалик ана шу асосда нақшбандия тариқатининг “Дил ба ёру даст ба кор” шиори юзага келди.

Буюк аллома Юсуф Ҳамадоний ўз даврида дунёвий, илоҳий илмлар ҳисобланган фикҳ, ҳадис, тафсир, тасаввуф таълимоти ва бошқа соҳалар бўйича кўплаб асарлар яратган. Унинг “Рутбат ул-ҳаёт” (“Ҳаёт мезони”), “Рисолаи кашф” (“Кашф рисоласи”), “Рисола дар одоби тариқат” (“Тариқат одоби ҳақида рисола”), “Рисола фи

Юсуф Ҳамадоний Бағдодда 15 йил яшайди. У шу давр мобайнида кўплаб алломалар, шайхлар, валийлар билан танишади. Айниқса, шайх Абу Али Дармадий билан ақинлик унга тасаввуф таълимоти ғояларидан баҳраманд бўлишга имкон беради. У алломалик билан бирга сўфийлик тариқати йўлини ҳам тутди.

қуввати, айримлари дил қуввати билан олам ва одам сирларини билганлар, инсонларни бўлғуси ишлардан огоҳ қилганлар, касалларнинг дардида даво топанлар. Хожа эса валийликда учта қувватга ҳам эга бўлган. Ровийларнинг хикоя қилишларича, у Самарқандда яшаган пайтда Жета ва Тўқмоқ лашкарларининг шаҳарга бостириб келаётганини олдиндан билиб аҳолига етказган, уларни мудофаага чорлаган, ўзи ҳам кўлига қурол олиб шаҳар ҳимоясида бир неча бор

лилийгини намойиш қилмасди. Халқни ҳаромдан тийилишга ва ҳалол меҳнат билан кун кечирришга ташвиқ этарди. Ҳалол меҳнат қилувчиларни дўст тутарди. Хатти гўзал эди. Яхши кетмон чопарди. Кимдан яхшилик кўрса ҳам, ёмонлик кўрса ҳам яхшилик қилиб қайтарарди. У ҳаётда шайхлар шайхи Абул Ҳасан Ҳарақонийни кўрган, шайх Абдулло Жувайний, шайх Ҳасан Симноний билан ҳамсуҳбат бўлган. Салмони Форсийнинг асоси ва салласини муборак қилиб сақларди. Етмиш беш



катнашган. Аллома валийлик билан бирга табиблик илмини ҳам яхши билган. Гоҳ валийлик, гоҳ табиблик билан одамларни даволаган. У ҳаётини, фаолиятини инсонларга ана шундай яхшиликлар қилиш йўлига бағишлаган. Юсуф Ҳамадоний ҳаёти, фаолияти, мероси тўғрисида Абдулқарим Самъо-

йил буйдоқ яшадилар, кейин уйландилар. Ҳақ таолодан солих бир ўғил фарзанд сўрар эди. Самарқанд улўғлари унинг суҳбатидан баҳраманд бўлардилар. У Самарқанд пешволарига қалъа қуриш лозимлигини айттар эди. Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида Хожанинг охириги

ёнига қўйишларини илтимос қилади. XIV асрнинг охирида Катқалъа яқинидаги бу хонақоҳ бузилиб кетади. Хоразмлик сўфий алломалар саъй-ҳаракати билан бу ерда учта алломанинг қабри тикланади. Улар устига мақбара қурилади. Шу тарих олис ўтмишда масжид, чиллахона, мақбара ва бошқа иншоотларни ўз ичига олган Юсуф Ҳамадоний номи билан боғлиқ мажмуа барпо этилади.

Бу мажмуа кўп йиллар давомида халқимизнинг улўғ алломаларига эҳтироми, муқаддас зиёратгоҳ сифатида эъзозланиб келинди. Аждодларимиз уларнинг руҳониятларидан куч олиб, илмий меросларидан баҳраманд бўлди. Лекин даврлар ўтиши билан табиий офатлар, жамиятда рўй берган низолар, урушлар натижасида мажмуадаги иншоотларга зиён етди. Айниқса, XX асрда собиқ шўролар давлати давридаги эътиборсизликлар, бузғунчиликлар оқибатида мажмуадаги аксарият иншоотлар бузилиб кетди.

Шўро мафкурачилари халқимизни нафақат улўғ алломаларимизнинг бой илмий-адабий меросидан, балки улар номлари билан боғлиқ тарихий ёдгорликлар, аждодларимизнинг бунёдкорликлари маҳсули бўлган осори-атиқалар, маданият дурдоналаридан ҳам бебаҳра қолдиришга интилдилар. Улар халқимизни бой тарихидан, ўтмиш маънавиятидан узиб қўйиб, ўз ғояларини сингдиришни ниёт қилгандилар. Хожа Юсуф Ҳамадоний мажмуасидаги тарихий иншоотлар, ёдгорликларнинг тақдирини ҳам шўролар таъйини натижасида оғир кечди. Зиёратгоҳ ёпиб қўйилди. Қаровсизлик натижасида у ярми вайрона ҳолига тушди.

Мамакатимиз мустақилликка эришганидан кейин тарихимизни ҳолислик билан ҳаққоний акс эттириш, алломаларимизнинг бебаҳо меросини тадқиқ этиш, маданий ёдгорликлар, ўтмиш обидаларини қайта қуриш, таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор берилди. Юртимиздаги кўплаб тарихий иншоотлар ўз асл ҳолида қайтадан бунёд этилди. Улўғ алломалар, буюк шахслар номлари абадийлаштирилди. Аждодларнинг улўғвор ишлари қайтадан қад рустлади. Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги Бешмерган кишлоғидаги Хожа Юсуф Ҳамадоний мажмуаси ҳам истиқлол йилларида қайтадан юз очди. Аввало, зиёратгоҳ унинг яқинидаги қабристондан девор билан ихоталанди. Мажмуа худудида зиёратчилар учун хоналар қурилди. Чинорлар экилди. Атроф ободонлаштирилди. Тарихий ёдгорлик ўрнида гўмбазли, кўплаб намоҳонларни сиғдирадиган масжид барпо этилди. Узун, кенг йўлак катта, мухташам қилиб қурилган мақбарга олиб боради. Мақбара ичида халқимизнинг ҳурмат-эҳтироми сифатида тикланган Юсуф Ҳамадоний, Абдулқодир Филоний, Саййид Али Ҳамадоний қабрлари жойлашган. Мақбаранинг ички ва ташқи томонлари, йўлаклар, деворлар, гўмбазлар мажмуани тарихий кўринишига мос қад рустлаган. Бу мажмуа эндиликда аждодлар ва авлодлар бунёдкорликларининг ҳосиласи сифатида қурилиб, халқимизнинг оёғи узилмайдиган муқаддас қадамжого айланган.

Ровийларнинг хикоя қилишларича, у Самарқандда яшаган пайтда Жета ва Тўқмоқ лашкарларининг шаҳарга бостириб келаётганини олдиндан билиб аҳолига етказган, уларни мудофаага чорлаган, ўзи ҳам кўлига қурол олиб шаҳар ҳимоясида бир неча бор қатнашган.



Музаффар АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

БИЗ ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДИНИ НЕГА СЕВАМИЗ?



муқаррар. Ёш шоир билан биз ёш ўқувчилар ўртасида юракдошлик, нафасдошлик туғиларди. Унинг сўзлари Ҳамид Олимжон, Усмон Носирга издошлик туйғуларини уйғотар, биздан замона довулларида жуда узоқ кетиб қолган Чўлпон, Қодирийни элас-элас ёдга соларди. Уларни қайлардандир ахтариб топиб, яшириқча ўқишга ундар ва даъват этарди. Эркин Воҳидов тилак шоири эди. Тилакда эса тамомила илмга интилиш ҳоким эди. "Илмлар тоғи олдимда ҳали" деб 56-йилда ёзган бўлса ва яна ўша йиллари биз уруш даври мурғак болаларнинг ҳаммамизнинг юрагимизда титраб турган туйғуларимизни шундай сўзларда англаган эди: Кўз ёш қадар нафис эди, титрак эди унинг ўша замонлар ёзганлари, биз эса ушқлар эдик. Уруш ушқлари. Галаба болаларники бўлиши керак!

Бошланиши 1-бетда

Қодирий, Чўлпон, Авлоний, Бехбудий, Ойбек булоқларидан турли бадалфозли касалликлар, ўтмишдан келаётган ва бугун пайдо бўлаётган номаълум таҳдидлар, хавф-хатарларга қарши инсониятнинг борлиги, мавжудлиги учун курашаётган юрагимизнинг энди балки ҳеч қачон қонмайди диган ташналигини қондиришга туганмас эҳтиёж сезамиз.

Не-не фозил улуғларни яратган экан ўзбек халқи...

Не-не нурафшон чўққиларнинг тизмаларини бунёд этиб жозиб дунёсига чорлаётган экан ўзбек халқи...

Келинг, лоқал шунинг-чун энди, ҳа, мана энди ниҳоят бир тўхтамаг келайлик.

ИЛМ ЧЕКСИЗ ДЕЙЛИК. Ўзбек энди илм чексиз дейишга ўрганган, зеро, биз чексизмиз.

Дунё фалсафаси бу тўхтамаг алҳол келиб бўлган. Ва илм чексиз деган бу фалсафани ўзининг юлдузли, шонли ижод дамларидан бирида ахтариб топган. Бобораҳим Машрабдан каттаю кичикча ёд бўлиб кетган сўзларни яна қайта ўқиймиз:

Бир қатра эрдим Чўдим денгизга Кўрдим садафга Дурдона бўлдум.

Шу коинот денгизига чўмиш ва мўъжиза яратиш — садафга кириш — илмнинг чексизлиги ва яна бу мўъжизанинг давомини ўқисак:

ДАШТ ЭРДИМ АВВАЛ

Гулхона бўлдум, дегани энди халқимизнинг тақдири, унинг даштдан гулхонага айланиши. Ҳозирги реал ҳаёт шундан бир нишона. Уттан аср эллигини йилларнинг миёналари ва олтимишчи йилларнинг арафаларини эслаймак. Эркин Воҳидов илк шеърларини жўшқинлик билан дунёга келтирар, уларнинг чексиз завқ-шавқи билан нафас олар, ўз масарратли дамлари сари интиларди, 60-йилда шундай улуг дам этиб келди. Ҳали университетда таҳсил олиб юрган чоғидаёқ "Тонг нафаси", "Буюк ҳаёт тонги" шеърини, дoston китобларини унинг оппоқ ижод тонларини бошлаб берди. Усмир эканмиз, илмга, фанларга гоятда қизиқардик. Ҳаётга кириб келаётган эркинликлар сабаблими, ўша пайтларнинг ўсмир йигит-қизларида илмга, фанларни ўрганишга аллақандай кучли иштиёқ ва интилишлар пайдо бўлиб, улар чин ғайрат-шижоатларни келтириб чиқарганди. Эркин Воҳидов илк шеърларида шу илмга интилиш ва унинг ғайрат-шижоатини навқирон шавқатли бир овоз билан ифодаларди. "Юрагимда ҳис этдим қанот, Тилсим каби очилур ҳаёт", деб ёзди у 59-йилда "Севги" шеърини. Булар жуда тоза, ўта беғубор туйғулар эди. Улар остига ўша 59-йилларнинг барча ёшлари ўз имзосини чекишга тайёр эди. "Висолдаги дамларим ширин, Ҳўжрандаги гапларим ширин, Қулиб боқар менга коинот...", деб улар ҳар эрда — кўча-кўйда, уйда, дарсхоналарда, спорт залларида, пахта далаларида ёд олиб юришарди... Ёшларни олижаноблик, инсоний эзгулик қандайдир ўзига қамраб олган, асло қучоқларидан қўямасди. Эркин Воҳидов айна худди биз учун, илм орзулаб юксалиб бораётган авлод учунгина ёзаётгандай эди. Шу авлод шоири бўлиб баравж юксалди:

"Йўқ, ҳаловат истамайман, Ором билмас ёш жоним. Тўлқин урган уммонча бор Юракдаги тўғёним". Ўша ёшлар ҳаммамиз унинг бу сўзларини худди ўз мўъжизакор сўзларимиз каби ўқирдик. Улар бизнинг ҳаётга ишончимизни орттирарди, келажак учун яшаса бўлади, деб умид қилардик. Муқаррар тақрорлардик. Тинмай тақрорлардик



Уруш болалариники! Эркин Воҳидов уруш боласи эди, уруш нидолари келади унинг ёзганларидан!

"Қанча интилганман стул кўймасдан, Дадам жавонидан олгунча китоб. Қанча излаганман мурғак фикрнинг, Минглаб саволига толгунча жавоб". Ҳамон кўксимдан оқ баногоҳ чиқади..

Биз Эркин Воҳидовни нега севамиз? Саволга қайта-қайта қайтиб туришга оғишмас маънавий эҳтиёжимиз борлигини сезамиз. Эҳтимом у юракларимизни ифодалагандир, айна бизнинг орзуларимизни ёзгандир. Биз айтолмаган сўзларни ахир у айтарди. Дадил, пок шижоат билан айтарди.


У тилак алангасида ёнарди. Уни тилак улугларди. Бизни ҳам тилакни улуглашга чақирарди. Чақирадиган, чорлайдиган бола эди. Етимлик нони қаттиқ эди.

Тилакларни замон, халқ, мамлакат тақдири, дунё ва ўзбеклар деган каби мавзулар билан чамбарчас боғланганди. Тилак ва рўёб. Тилак рўёбга чиқса, яъни киши ўз тилагига етса, бу ҳаётда гўзал воқеа бўлолади. Эркин Воҳидов тилакларни ушладиган шоир эди. Чунки унинг тилакларини кучли математик тафаккурдан, кучли фикрлаш жараёнидан юзага чиқарди. У эллигинчи-олтимишчи йилларда университетда таҳсил олган кезлари мумтоз адабиётимиз ва, айниқса, Навоий шахси ва ижодиётига қаттиқ қизиқди. У доим ёнида Навоийнинг "Фан" наشريёти чиқарган оқ юмшоқ муқовали сайланма ғазаллари китобини қўймай олиб юрарди.

Талабалар пахта теримига чиққан пайтлари ҳам шу китобни зовурлар бўйидаги тоғлар, жийдазорларда ўқиб ўтирарди. Гоҳ биргаллашиб ўқирдик. У Навоий ғазалларининг ҳар бир сўзи, ҳар сатридан бағоят ҳайратга тушар, булаъжаб таъсирланарди. Ташбеҳлардан эса масту мустаррақ даражда лол қилиб уларни таҳлил қилар, маъноларининг тағидига сирлар қаватларига етиб боргиси келарди. Тушунмаган сўзларга дуч келганда широна фажр-фаросат, фараз билан уларни англашга уринар, кейин бу сўзларни луғатлардан қидирар, Алибек Рустамов, Алихонтура Соғуний, Порсо домлардан сўзбатарлар асосида сўраб, ниҳоят маънолар қирраларини очарди. Ўша "Фан" наشريёти чиқарган юмшоқ муқовали оқ китобга қирган барча ғазаллар ва мухаммаслар, рубоийлар, қитъалар Эркин Воҳидовга то университетни 60-йилда битиргунча ёд бўлиб кетганди. Навоийни доим ёд ўқирди. Унинг хотираси ўткир ва ниҳоятда сезир эди. Фузулий, Лутфий, Есенин,

Маяковский, Пушкин, яна қанчадан-қанча дунё шоирларини ёд ўқирди. Ақл-заковати ҳам тиниқ ва ёркин эди. Эркин Воҳидовнинг таланти-иктидорига гоятда ўсувчан ва ўта ҳаракатчан эди. Бу ўсувчанлик ва ҳаракатчанлик ажиб табиғ тарзда инсоний ва ижодкорлик масъулияти билан чатишиб, метиндай бирикиб кетганди. Мен ёшлигимдан масъулият болалиқдан жиддий тарбия ва муҳит таъсирида туғилади, мустаҳкамланади ва қудратли кучга айланади, деб ўйлардим. Эркин Воҳидов тимсолида мен масъулият ҳам худди фаросат каби тугма бўлишини кўриб ишонч ҳосил қилдим. Унинг масъулияти, ўсувчанлиги унга ҳеч қачон юз ўйрган эмасди. Унда фаросат шунинг учун буюк мўъжизалар яратарди. Менга буюк геолог олим Тўрабек Долимов ўз геолог тешасини кўрсатган. У бир қорамтир сарғиш маъдани менга кўрсатди ва яшин тезлигида тешаси билан шу маъданга урди. Теша маъданни сувдай кесиб ўтди. На товуш чиқди ва учун сарчади. "Ҳар қандай тошни ҳам шундай кесиб ташадими?" деб сўрадим олимдан соддалик билан. "Ҳар қандай қаттиқликдаги тошни шундай кесади", деб жавоб берди олим ҳайратимдан завқланиб. Мен Эркин Воҳидовнинг шоирона таланти геологларнинг шундай кескир тешасини эслатади деб ўйладим. Сўз қонлари, хазиначилари ичида шоир ўз геолог тешаси билан шундай мўъжизакор ишларди. У "Учи тугук дастрўмон" деган фалсафий шеърини ёзиб, ўқувчиларининг таҳсини ва олқишини олгандан сўнг "Ёшлик девони"ни яратишга мислсиз илҳом билан киришди. "Ёшлик девони" ёзилди деб айтолмайман. "Ёшлик девони" яратилди. Ёши ҳам яратилди-дир балки. Лекин бундай асарлар ҳаммаша яратилди ва бундай яратилиш доим коинотга ақинрок. "Ёшлик девони" яратилаётганда, Эркин Воҳидов наشريётларда ишларди (Ёшлар наشريёти, Давлат бадий адабиёт ва санъат наشريёти). У ҳар қуни эрталаб соат ўн бирларга наشريётта битта ёки бир нечта оқ варақ бетиға майда садафдай қилиб битилган янги ғазалларини олиб келарди. Чиройли оҳанги билан ўқиб берарди. Радиф, қофия, ташбеҳлар ва, айниқса, мавзулар устида узоқ билимдонлик билан суҳбатлашарди. "Иброҳимжон, мен ҳеч тугилган радиф ёки қофия ишлатмоқчи эмасман. Ҳаммаси янги, мавзуларнинг ҳам бари янги ёки янги қирралар бўлади. Ҳар бир ғазалнинг ритмикасида янги бир сўз таъбири бўлишига эришимиз келади. Оҳанг янгилигини, ундан замон содалари эшитилиб туриши керак...". "Ёшлик девони"да радифлар, қофиялар олмосдек ярақлаб туради ва улар Тўрабек Долимовнинг геолог тешасида тарашланган ва сайқаллангандай. Эркин Воҳидов

акс-садосини топди. Динлар, мазаҳлар, ирқлар, тоғфалараро қонли, келиштириб бўлмас низолар инсоният бошига уқубатлар ва таназуллардан ўзга ҳеч нарса келтирмаслигини Эркин Воҳидов катта донишмандлик билан шарҳона таъсирчанликда теран ривоят ва ҳикоятлар замирида бадиий таҳлил қилди. Шарқ шоири Назрул Исмоилнинг фожиали қисмати орқали инсоният учун позитив тенденциялар ва қарашларини илгари сурди. Достон Эркин Воҳидов шеърининг катта жанрларида қалами моҳир ва тафаккури кенг, ўткирлигини кўрсатди. Эркин Воҳидовнинг илк "Буюк ҳаёт тонги", "Нидо", "Кўёш маскани", "Палаткада ёзилган достон", "Орзу чашмаси", "Чарғобон" достонлари ёшларнинг сеvimли ҳассос асарларига айланди. Уларда шоир инсоннинг лирик кечинмаларини таъсирчан ва тушунарли тарзда баён қилди. Эркин Воҳидов ёшлар ва зиёли инсон, айниқса, олимларнинг тилини, дардларини ахши тушунди. Уларнинг дилларини тўлқинлантирган нарсаларини чиройли ёзди. Эркин Воҳидовнинг етмишинчи йиллар иккинчи ярми — тўқсонинчи йилларда дунёга келган "Ҳозирги ёшлар", "Тирки сайёралар", "Келажакка мактуб", "Шарқий қирғоқ", "Бедорлик", "Шоир шёъру шуур", "Қуй авжида узилмасин тор", "Изтироб", "Яхшидур аччиқ ҳақиқат", "Орзули дунё" китоблари шеър



иктидорининг қудрати билан арузни янгилади. XX-XXI асрнинг ўзбеклари ЯНГИ ҚУШҚИЛИ, ЯНГИ АРУЗЛИ бўлдилар. Шоир "Шеър ва шахмат" шеърини билдирган тилагига "Ёшлик девони"да тўла муяссар бўлди:

Йўн, эрмак эмас шеър ҳам, шахмат ҳам — Ақллар кураши, туйғулар жанги. Бу жангда кўйилган ҳар битта қадам Одишу ҳақ бўлсин, гўзал ва янги.

"Ёшлик девони" ҳар бир ўзбекнинг ҳовлиси, хонадонига, ҳар ўзбекнинг қалбига жонбахш, ҳаётбахш сўз каби ҳанузгача янграб келади. "Ўзбегим", "Инсон", "Қўллар", "Ўзбекистон" давримизнинг шоҳ шеърини асарлари қалби хотирасидан ўчмас жой олди.

Эркин Воҳидов дунё ва замона торларидан ҳеч қачон бармоқларини узмади. Оламнинг энг долзарб мавзулари доим унинг диққат-эътиборида турди. У ўзини сиёсий мавзуларда асарлар ёзадиган шоир деб ҳисобламаса-да, лекин асарларида долзарб сиёсий масалалар ва публицистик руҳ ўткир жананг ва талқин топди. Етмишинчи йиллар охири ва саксонинчи, тўқсонинчи йилларда ўткир ҳажвий қулги унинг асарларига ўзгача кескинлик олиб кирди. Эркин Воҳидов ижодиётида бошда-

ноқ рубобийлик, таронасозлик ва ним қулги, та-бассумга мойиллик табиий ва гоятда самимий ўзига хос янгротини толарди. У Ҳўтеннинг "Фауст" трагедиясини ўзбек тилига жозибдор бадиият билан ўйиргандан сўнг ижодида замонага мутаносиб тарзда ҳажвий руҳ кучайди. Фаустона донишмандлик қирралари зухурлана бошлади. Бу, айниқса, "Рухлар исёни" достонига ҳайратомуз



фалсафасини янги даражага кўтарди. Унинг барча турдаги асарларида, шеърини драмалари, "Оптин девор" комедиясида адаб фалсафаси ўзининг жуда ёркин миллий қирралари билан намоён бўлди ва Эркин Воҳидовнинг йигирманчи аср ўзбек миллий адабиётига қўшган уллушини қўламли миқёсда тарзда белгилади. Эркин Воҳидовнинг либ неча ўн йиллар ўзбек парламентида масъул лавозимларда фаол ишлаши унинг ижодиёти йўналишларига жуда кучли таъсирини кўрсатди. Эркин Воҳидов ўз элнинг аср ижодкор фарзанди сифатида халқнинг ҳаёти ва келажакига дахлдор катта муаммоларни кўтарди. Миллий мустақилликнинг қарор топиши ва мустаҳкамланиши ва тақдорланмас қудрат касб этишига хизмат қилди. У ошқоралик, адолат, дунё мамлакатлари билан ранг-баранг алоқалар ва муносабатларни йўлга қўйишда жон-дилдан жонбозликлар кўрсатди. Тилнинг давлат тилига айланиши, матбуотда эркинлик қарор топиши, мустамаклачиликнинг иллатли асоратларидан халос бўлишда принципал эътиборли оғишмас нуқтаи назарларда турди. У тинмай адабий ёшларни моҳир меҳр уфуриб турган сўзлари ва талаблари билан тарбиялаб борди. Уларнинг баланд парвозларига ҳайрихоҳ бўлди ва охири дамларигача қўллаб-қўлтиқлаб турди.



Эркин Воҳидов кенг адолатли фикр барқарор қарор топганди. Унинг "Изтироб" китоби том маънода мустақиллик китобига айланди ва мустақиллик тафаккурининг илдириги отишига ҳайрли йўллар очди. Бу китобнинг ҳар бир сўзи, қарашини ҳаёт ҳозир ҳам ўз кучи ва таъсирини йўқотмай сақлаб келади. Эркин Воҳидов Европа мамлакатлари билан ёш ўзбекистон парламентининг самарали алоқаларини изга солиш ва самарали йўлдан боришга катта хизмат қилди. У сўзининг асл маъносидан чин парламентарий эди. Ўзбекистон халқроқ муносабатларига ўз баракали ҳиссасини қўиш учун қисқа бир вақтда инглиз тилини ўрганди ва уни ўз парламент фаолиятида қўллаб борди. Эркин Воҳидов интеллектуал қарашлари бениҳоя ўсган, тараққий тоған ижодкор эди. Бу унинг бутун ижоди давомида жаҳон адабиётинан қилган бадиий таржималарига ҳам яққол кўзга ташланади. У талабалик йилларида Есенин асарларини ўзбекчалаштириш билан донг таратган бўлса, кейинчалик Ҳўтеннинг "Фауст" трагедиясининг ўзбекча усултини топиб таржима қилди. Гюго, Блок, Маяковский, Евтушенко, Киплинг, Светлов, Есенин, Ҳамзатов, Қулиев, Воқиф, Шерозий, Иқбол, Украинка, Бедел, Тагор сингари улкан жаҳон намояндларининг асарларини санъаткорона ўзбекчалаштирди. Унинг барча таржималаридан шеърининг юксак руҳи гуркираб ёғилаверарди. Адиб ўзига хос шеърини таржима мактабин яратдики, бу мактабда ҳалоллик, ростлик, юксак бадиий нафосат яшаб туради.

Эркин Воҳидов XX-XXI асрда кенг қулғо ёзиб ишлади. Ўзбек халқининг фарзанди бўлганлиги билан ҳаммадан ортиқ фахрланарди. Унинг фахрланishi буюк амалиёти билан белгиланарди. У ҳеч қачон аравани қуруқ олиб қочмасди, ҳеч қачон амалий иш билан мустаҳкамланмаган қуруқ сўзларни тилига ҳам олмасди. У ёш чоғидан ота-ондан айрилиб, қариндошлари тарбиясида ўсди ва халқини ота ўрнида кўрди. Садокати ва муҳаббатини том ва фақат халқга эди. Халқ деб қўйди, ёнди, тиним билмай ижод қилди. Халқ шоири бўлди. Ўзбекистон Қажрамонини унвоғига сазовор бўлди. "Буюк хизматлари учун" олий нишонин билан тақдирланди. Унинг ҳаёти ва ижодиёти ҳақида Акмал Саидов, Нўъмон Раҳимжонов, Раҳматилла Иноғомов, Гулчехра Воҳидовнинг таъсирчан, жонли китоблари чиқди. Замондошлари қалин хотираларини ёздилар. Хайриддин Султон, Анвар Обиджон, Иқбол, Мирзо Кенжабек сингари парвози баланд шоғирларини шеърини Эркин Воҳидов байроғини баланд кўтардилар. Шеърини Эркин Воҳидов хилбонинг энг гўзал ва шуқухли хилбонлардан бири ва бу хилбонлардан ёшларнинг қадами узилмайди. Унинг ижод мактабига муносиб авлод тахсил қўрмоқда. Фарзандлари ота шарафини юксак тутмоқда.

Одам боласи ҳамма вақт таассуротлар оламлари ичида яшайди. Таассуротлар кечинмаларга айланади. Таассуротлар ва кечинмалар фақат СўЗ билан ифодаланарди.

Ҳаёт доимо онгимизда, унинг ташқаридан кўринмас ички қаватларида акс садо беради. Онг ўз маконларида фикр жараёнларини бошқаради. Бу жараёнлар яхлит илоҳий тизим. Эркин Воҳидов ҳаётининг охирида бутун умр тайёргарлик қўриб, шу илоҳий тизим ичига кирди ва "Платофаном"си билан тизимда унинг яратувчиларидан бири сифатида абдий қолди. У адабнинг мустақил мутафаккири сифатида едимизда, маданиятимиз машваратларида қолди. У доим адабиётда янги сўз завқи билан яшади ва бунга тўла муяссар бўлди. Рухи сўзида мудом тирик ва бардавасдир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров
«Янги Ўзбекистон» газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақланади. Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236 Буюртма — 1441.
43135 нусxada босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулда босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда.
"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй. ЎЗА якуни — 22:05 Топшириди — 00:00 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Гулчехра Дурдиева
Мусахҳиҳ: Ойдин Алпуддинова
Дизайнер: Зафар Бақиров
Босмахона телефони: (71) 230-27-76
Манзилимиш:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй